

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича) магистратура мутахассислигининг
малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишиладир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варағи	10

1. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

**70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

**1.1.1. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)** магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)** мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)** мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

**70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)** – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиши, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, хорижий мамлакатлар билан боғлиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларида иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоклари ва соҳаларини ривожлантиришда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, истикболини белгилашга, касбий кўнкимага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- тизимли таҳлил ва оптималь қарор қабул қилиш жараёнлари;
- миқдорий ва сифатли таҳлил, дедуктив, статистик ва компьютерли моделлаштириш, иқтисодий жараёнларни кузатиш асосида таҳлил қилиш ва экспериментал услублардан жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органларидағи бошқарув жараёнлари;
- тизимли фикр юритиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тадқиқот мақсадини белгилаш кобилияти, муаммони ҳал қилиш йўналишини аниклай олиш, миллий манбаатлар асосида ҳалқаро муносабатлар йўналишини тушуниш, баҳолаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнлари;
- Ўзбекистон Республикаси миллий манбаатларидан келиб чиқиб, ўз соҳасининг асосини комплекс англашда тизимли таҳлилни қўллаш жараёнлари.

1.2.3. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иктисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- хуқук-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўtkазиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўtkazilaётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;

- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иктисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини хавфсиз бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- ишлаб чиқаришнинг микдор ва сифат мезонлари асосида иктисодий тизим ва обьектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниклаш;

- соҳага оид илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниклаш;

- бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниклаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, қонунбузарликларни аниклаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Хуқук-тартибот фаолиятида:

- қонунийлик ва ҳуқук-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шаклларини ҳимоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниклаш ва очиш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишини режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект иқтисодий фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил килиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳукукий ҳамда меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар билан ишлаш;
- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, соҳага оид рационализаторлик таклифлар ва ихтиrolар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;
- кабул килинадиган қарорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришини ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самаравали фойдаланиш иқтисодий хавфсизлигини режалаштириш ва амалга ошириш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. 70411801-Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳукукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар кабул кила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўнималарига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориши, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш қўнималарига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ички ва ташки сиёсий фаолият билан боғлиқ жараёнларни ўзлаштириш ва амалга ошириш;
- ўрганилаётган минтақа (мамлакат) ижтимоий-иктисодий ривожланиш хусусиятлари, саноат ривожланишининг асосий моделлари; агар соҳада ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш хусусиятларини; ташки савдоси билан боғлиқ жаҳон хом ашё бозорларида, айникса, жаҳон нефть, пахта ва ҳ.к. бозорларидаги нархлар конъюнктураси хусусиятларини;
- ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг асосий тамоиллари ва концепцияларини;
- ўрганилаётган минтақа (мамлакат)нинг глобаллашув шароитига мослашиш имкониятларини; у ерда кечаетган иктисодий интеграция жараёнларининг миллий иктиносидётлар ривожланишига таъсири йўналишларини;
- ташки иктиносидий фаолиятнинг минтақавий интеграция жараёнларини фаоллаштиришга таъсирини баҳолашни;
- халқаро иктиносидий ташкилотларда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналарида ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналарида касбий фаолиятни амалга ошириш;
- лойиҳаларнинг иктиносидий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- иктиносидий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- меъёрий-хукукий ҳужжатларни иктиносидий экспертиздан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий таълим дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, касб таълими, жаҳон иқтисоди, миллий иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, иқтисодий атамалар, иқтисодий категориялар, иқтисодий ривожланиш моделлари, хусусиятлари, тенденциялари, стратегияси, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, мамлакатшунослик, ташки иқтисодий фаолият, хорижий инвестициялар, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, минтақавий интеграция, бизнес, тадбиркорлик, моддий ва молиявий русурслар, маркетинг, менежмент, инновацион менежмент, тизимиёт ёндашув, иқтисодий дипломатия, дипломатик музокаралар, иқтисодий хавфсизлик; ўрганилаётган минтақа (мамлакат) ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий йўналишлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да бозор механизмининг амал қилиш хусусиятлари; замонавий шароитларда ўрганилаётган минтақа (мамлакат) ижтимоий-иктисодий сиёсатининг асосий йўналишлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да саноатлаштиришнинг қонуниятлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат) таснифи ва иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да иқтисодиёт таркибини реструктуризациялаш хусусиятлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да хусусийлаштириш жараёнлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да аграр ислоҳотлар; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да ижтимоий-иктисодий тузилмалар шаклланишининг тарихий ва иқтисодий асослари; ўрганилаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да давлатларнинг сиёсий тизимлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да иқтисодиётни диверсификациялаш; ўрганилаётган минтақа (мамлакат) ижтимоий-иктисодий ривожланишига фан-техника тараққиётининг таъсири; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да саноат ривожланишининг асосий моделлари; аграр соҳада ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш хусусиятлари; ўрганилаётган минтақа (мамлакат)да ташки савдоси билан боғлиқ жаҳон хом ашё бозорларида (жаҳон нефть, пахта ва ҳ.к.) нархлар конъюнктураси; ижтимоий-иктисодий сиёсатининг асосий тамойиллари ва концепциялари.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор

Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим мини
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б.

М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси



Раиси

А.И.Икрамов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси



Ректор в.б.

М.Комилов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор

К.Шарипов